

Хуршида Нишонова


СИРЛИ БЕДОРЛИК

Шеърлар

**«Наманган» нашриёти
2007**

Ушбу тўпламни чоп этишда ҳомийлик ёрдами кўрсатган «Эргашбой ота» фермер хўжалигига муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

84(55)6-5



10 33139
0

НГ 633 - 1424,66 - 1273300 2007.
634 - 1,0 - (05) - 07

© «Наманган» нашриёти. Хуршида Нишонова.

ҲАВАСДАН ЙИРОҚ СЕВГИМ

*Билмайын сўзламак гуноҳи азим,
Чиндан ҳам севгимга ноҳақ экансиз.
Дилни асир этган бегона ҳисни,
Ишқ эмас, шунчаки ҳавас дегансиз.*

*Ҳавас деган туйғу ўткинчи асли,
Нима учун мендан ўтиб кетмайди.
Қалбимни яшнатса муҳаббат фасли,
Афсуски, бу сизни асир этмайди.*

*Гарчи бир муҳаббат бўлмоғи шартдир,
Лекин ўзга ёрға ошиқар дилим.
Бугун ҳаста вужуд ишққа сармастдир,
Чунки ишқ меники, меники кўнглим.*

*Яхши тушунмабсиз мени азизим,
Чинакам севги-чун олятман нафас.
Лайли-ю, Зухрога тенглашмасам ҳам
Мастона туйғулар бўлмагай ҳавас...
Севги бўлса керак, ҳавасмас, балки...*

* * *

*Қачонлардир сени қилардим орзу,
Қачонлардир сенга интилган юрак.
Наҳотки, мен учун бўлгансан эртак,*

*Оқ қорға йўзрилган самимий туйғу.
Қаҳрингдан титраган эдим ўшанда...
Сен менинг ҳаётим бўлишинг керак.
Мени чорлаётир кафанланган ер,*

*Муҳаббатим сенга бўлдим эрмак.
Қайғу қанотимни қайирган қотил,
Қиш - тижрон,
Қиш - висол.*

*Изтироб фасли
Мени кўларимда муҳаббат зохир,
Сенинг юрагингда хиёнат асли.
Қачонлардир сени қилардим орзу...*

** * **

*Муҳаббатга ошуфта ягона Хуршидаман,
Яратганни навишига ҳайрона Хуршидаман.
Дунё бир қарвонсарой, лек баҳтга топилмай жой,
Ишқимга бериб чирой сўзона Хуршидаман.*

*Ҳаётим деб япроқни, отам дея тупроқни,
Онам дея чироқни парвона Хуршидаман.
Бўлолмадим тош бағир, қийнайверар ишқ оғир,
Орзуга тўла қалбим осмона Хуршидаман.*

*Кетолмай тўрт томонга, зорман омон-омонга,
Ҳам яхши, ҳам ёмонга дўстона Хуршидаман.
Ташна бўлсам қонимга, содиқман имонимга,
Висолни деб жонимга беғона Хуршидаман.*

*Очун отлиғ мезбоннинг меҳмони бўлдим мано,
Ўшал шох Машраб каби деғона Хуршидаман.*

РАҲБАР АЁЛ

(Меҳрибоним Аҳмедова Ҳосният ояга).

Сиз муниса, дилингизни гулга берган,
Сиз оташсиз, ҳаётингиз нурга берган.
Дил дардимни тушунди ким сиз каби,
Юрагида бор бисотин элга берган.
Тарих унди сизни қошу - кўзингиздан,
Ўргилайин, опа сизнинг ўзингиздан.

Эр йигитнинг шиддатидек шиддатингиз,
Юрт ичида бордир юксак ҳурматингиз.
Аёл шаъни қиёматли ҳамроҳингиз,
Париларга мавзу бўлсин суҳбатингиз.
Сиз инсонга бахт яратиб берган аёл,
Виждон амрин кошонасин қурган аёл.

Айтилмаган эртаклари кўп дунёнинг,
Ушалмаган тилаклари кўп дунёнинг.
Эллик ёшни қоралаб эл бўлолмаган,
Ердан чиққан курмаклари кўп дунёнинг.
Лек сиз менинг тилагимсиз раҳбар аёл,
Меҳрибоним, юрагимсиз раҳбар аёл.

* * *

Ҳаёт экан, ҳаёт эканда,
Айро тушди тақдир йўлимиз.
Йиллар оша умр ўтсада,
Ритубатга ўтди умримиз.
Увишарди ҳаста юрагим,
Лаҳзаларда номингни ўйлаб.
Лазорда қолган тилагим,
Оним ўтар мадҳингни кўйлаб.
Ёнаямон бир сени ўйлаб...

ҚАБРИСТОНДА

Кузги майда чивин сингари,
Ғашга тегиб ёзаяпти қор.
Қишлоғимнинг бир чеккасида,
Сукунатда ётибди мазор.

Кўклам чоғи кўкарган мазор,
У қайтадан кийибди кафан.
Изаиринда тугайди сабр,
Сўнг томирда рақс тушади қон.

Кетаяпман қабр оралаб,
Гўё кимдир маюс тикилар.
Оёғимни бағрига босиб,
Қорлар тўқ кишидек кекирар.

Таниш қабр ёнига келиб,
Чўккаладим... (Ночор афтидан)
Қўлларимни ўпар оппоқ қор,
Нажот излагандай кафтимдан.

Қабрнинг бошига эгилган бодом,
Қор парчадан оппоқ либос кийибди.
Иболи, ҳаёли келинчак монанд,
Қадди ёй, бошини эгиб турибди.

Қанча турдим экан била олмадим,
Аёз чимчилайди юзим, бурнимдан.
Бир калима дуо ўқидим кейин,
Сўнг аста қўзғолиб турдим ўрнимдан.

Ногаҳ ўйга толдим кетар човимда,
Шу чуқур сукунат менинг ҳам уйим...
Кўкламдаги терак гулидек,
Қувонтириб ёзаяпти қор.

Кумуш тўшак тўшаб устига,
Сукунат ичида ётибди мозор.

... га

Сен келган кун кўнгул қувониб,
У юраги торлар йиғлайди.
Кеча мени калака қилган,
Минг бир алами борлар йиғлайди.

Кечагина жоним ўртаган,
Изтироб озорлар йиғлайди.
Дардларимга гувоҳ сайланган,
Ул бесар бозорлар йиғлайди.

Сен келган кун хиёнат ёниб,
Ҳасад ичра морлар йиғлайди.
Кеча менга аталган машъум,
Бахти қаро дорлар йиғлайди.

Сен келган кун қалбим уйини,
Тарк этган оҳорлар йиғлайди.
Ошиқ булбулларга ҳамнофас,
Танбур ила торлар йиғлайди.

Сен келган кун ялпизга ошна,
Жилга-ю анҳорлар йиғлайди.

Иккимизни дучор айлаган,
Бинафша баҳорлар йиғлайди.

Сени қарши олдим жилмайиб,
Кўзимда ҳуморлар йиғлайди.
Бизни бизга бегона этган,
Улану ёр-ёрлар йиғлайди.

* * *

Гапиринг, гапиринг,
Муҳаббат ҳаққи,
Соғинч соя солган дард ҳаққи сўзланг.
Мен эса кетаман очундан кечиб,
Мени қаро тунлар тушлардан изланг.

Гапиринг,
Кўксимни тилиб қонидан,
Кўлимга хинолар қўйгани ҳаққи.
Фақатгина бир бор соғинсангиз бас,
Ҳаммадан ҳам сизни сўйганим ҳаққи.

Гапиринг,
Ҳижронда тўккан ёшларим,
Бир қултум об каби қарлироқми?
Бизни бир умрга боғлаган ришта,
Муҳаббат -висолми ёки фироқми?

Гапиринг,
Тупроққа айланиб,
Заминга қўшилиб кетсайдим кошки.
Муҳаббат навосин тиндирмай охир,
Жаннатий висолга етсайдим, кошки.

Гапиринг,
Қулоғим том битиб асло,
Эшитмай қўяман сўзларингизни.
Мен фақат қўмсайман ҳар нафасимда,
Ишқимиз макони кўзларингизни.

ОҒРИҚ

*Билсам, би динёни армон сияркан,
Бахтини бировга бериб қўяркан,
Келин бўлмай она бўлган аёллар.*

*Яратган эгамга арзи бор унинг,
Адо этилмаган фарзи бор унинг.
Адо этилмаган фарзи бор унинг,
Хаттоки бахтдан ҳам қарзи бор унинг,
Келин бўлмай она бўлган аёллар.*

*Раҳм сўрамайди, сўрамас шафқат,
Ортиқ чидамоққа топмайди тоқат.
Кенг кўринар унга қайиқдек лаҳад,
Келин бўлмай она бўлган аёллар.*

ОТА

(Камоланинг тилидан).

*Ота!
Сиз яратган ҳаёт бир дунё эди,
Рутубатли тун ҳам нур зиё эди.
Сиз кетгач бу дунё қолди хувиллаб...*

*Ота!
Куроғимга ботиб турибди согинч,
Қалбимда чўгланиб турар бир илинж.
Сизни тушларимда қурармиканман...*

*Ота!
Юрагимнинг ярми йўққа ўтшайди,
Қалбимнинг қаърида армон яшайди.
Сизга қувонч ҳаёда этолмаганим.*

Ота!

*Чикмас бўлиб ботиб кетган қуёшим,
Нилга тенглашади дилдаги ёшим.
Лекин сувратимдан шўхга ўхшайман...*

Ота!

*Айланинг Расулнинг (Муҳаммад с.а.в)
умматларига,
Лойиқ бўлинг ҳақнинг раҳматларига.
Жаннатий висолга эришинг...*

Ота!

Сиз яратган ҳаёт бир дунё эди..

ИККИ ЁШЛИ ГИЁҲВАНД ОДАМ

*Тонгдан каравотни тақиллатади,
Жажжи ўйинчоғин шақиллатади.
Ҳатто мураббийсин лақиллатади,
Икки яшар гиёҳванд одам.*

*Нур қочиб улгурган унинг кўзидан,
Ақл юз ўгирган қордек юзидан.
Маъно уқолмайсан айтган сўзидан,
Икки яшар гиёҳванд одам.*

*Айби унинг барвақт тугилганида,
Аросатга бевақт суқилганида.
Дунёга келмасди гар билганида,
Икки яшар гиёҳванд одам.*

*Беланчак симидан термулади жим,
Унинг отаси дим, волидаси дим.
Уларга меҳрини бера олар ким?
Икки яшар гиёҳванд одам.*

Гоҳида йиғлайди беун ва бесас,
Уларни дунёга келтирди нокас,
Азобда яшайди ҳар дам, ҳар нафас,
Икки яшар гиёҳванд одам.

Улар зурриёди ҳирс туйғуларнинг,
Мудом асирдир гам-қайғуларнинг.
Туғилгани экан айби уларнинг,
Икки яшар гиёҳванд одам.

Бошини деворга уриб яшайди,
Бировнинг «сўска»син сўриб яшайди.
Дунёни билмасдан кўриб яшайди,
Икки яшар гиёҳванд одам.

ОТАЖОН

Кўнглингиз чекади нимадан озор,
Нимани хоҳлайсиз, термуласиз зор.
Пушаймонлар қилгум, албатта, минг бор,
Отажон, мен сизни ранжитганимда.

Гоҳо сўзларингиз қалбимга ботар,
Юрагим тубида оғриқлар ётар.
Кўзёшлар киприкда тинмас, шошқатор,
Отажон, мен сизни ранжитганимда.

Вужудим армонга жўшиб кетади,
Орзулар аламдан ўчиб кетади.
Хуршида бир ёққа кўчиб кетади,
Отажон, мен сизни ранжитганимда.

*Биламан, бас энди, йиглаш бехуда,
Сиз билан ҳаётим бахтли, осуда.
Ўзимдан ҳам ҳафа бўламан жуда,
Отажон, мен сизни ранжитганимда.*

ТУПРОҚ

*Қоронғу сахнага қўймадим чирок,
Мени енга олмас алам ва фирок,
Мен учун табаррук, азиз саналар
Онам кўз ёшлари тўкилган тупроқ.*

*Кимлар нола қилар, менга бойлик бер,
Яна ким, мен учун бахт атроғи дер,
Менга тупроқ азиз, унга тўкилган
Меҳнаткаш отамнинг манглайдан тер.*

*Тупроқдан яралмоқ ҳақиқатимдир,
Қайта ҳок бўлмоқлик дақиқатимдир.
Авлодлар ҳоқиқа қоришган бу ҳок,
Шу муқаддас тупроқ тариқатимдир.*

КЕЛОЛАСИЗМИ?

*Кетгин дедим, кетмадинг буткул
Келгин десам, келмогинг мушқул.*

*Севдим дея, оловдек ёниб
Вафоли ёр бўлоласизми?
Бугун эса армондан тониб
Келинг десам, келоласизми?*

*Бунчалар кўп аламларингиз,
Рашк этади санамларингиз,
Менсиз торми оламларингиз?
Келинг десам, келоласизми?*

*Бахти бутун бахтсизим дейму?
Ишқи алдов аҳдсизим дейму?
Дил қасрида тахтсизим дейму?
Келинг десам, келоласизми?*

*Қалб бобида устаси фаранг,
Сизда йўқми, айтинг найранг,
Кўзда ёшим қалқиди, қаранг,
Келинг десам, келоласизми?*

*Келинг, дил оройи бўлиб,
Муҳаббатнинг чиройи бўлиб,
Дил кўшкнинг нурсийи бўлиб,
Келинг десам, келоласизми?*

МЕН ЖУДА ЁНАМАН

*Кимнидир кулдирсам, кимни кўйдирсам,
Кимнидир, жонидан буткул тўйдирсам,
Ногаҳон, ишқимни ўзим ўлдирсам,
Мен жуда ёнаман, жуда ёнаман.*

*Савобим жуда оз, гуноҳим бисёр,
Дўстларим ёнимда турса, дил афгор,
Онамнинг кўнглига берсам кўп озор,
Мен жуда ёнаман, жуда ёнаман.*

*Садоқатни излаб хиёнат кўрдим,
Муҳаббатдан сўзлаб кўп нафрат кўрдим,
Бахт аксида ўзим бир бебахт кўрдим,
Мен жуда ёнаман, жуда ёнаман.*

*Дилда бир доғим бор, бахтим шу доғдан,
Ўзим-чун бахт сўрамай кўйдим Аллоҳдан,
Ҳеч кўркмайман, кўркмай кўйдим гуноҳдан
Мен жуда ёмонман, жуда ёмонман.*

ОНАМГА

Сени ҳаста, ночор айлаган,
Армонларга дучор айлаган,
Кўзингизга мингни жойлаган,
Бу дунёни алдайман, она.

Меҳнатида этиб қаддинг дол,
Ёш умрингни айлаган увол,
Ову тутган, тутмайин ҳеч бол,
Бу дунёни алдайман, она.

Қилоқ тутмай нолаларингга,
Кўздан оққан жолаларингга,
Оқ дард кўшган толаларингга,
Бу дунёни алдайман, она.

Тупроқ каби яшай олмайман,
Очунга гул тўшай олмайман,
Она сенга ўхшай олмайман,
Бу дунёни алдайман, она.

Ишонмайман вафоларига,
Бош эгмайман жафоларига,
Юз тутмайман қароларига,
Бу дунёни алдайман, она.

Саждага бош кўйганинг ҳақи,
Кўзингдан ёш оққани ҳақи,
Қўлимга тош бергани ҳақи,
Бу дунёни алдайман, она.

Йиғлаб туриб, қуламан бир кун,
Зафар куйин чаламан бир кун,
Ғолиб бўлиб, ўламан бир кун,
Мен дунёни алдайман, она.

СУЯНАМАН

Йиғласам, ёронлар қилмаса парво,
Кўзимга сизмаса бу кўҳна дунё.
Ўткинчи шодликдан кўрмасам вафо,
Армонга суюнаман...

Гул-гунча ишқида булбул куймаса,
Покиза севги деб, кўнгил куймаса,
Кетаримда мени шу гил суймаса,
Ҳижронга суюнаман...

Мени йўқломаса муродбахш кунлар,
Ранжитсам бировни ухлатмас тунлар.
Қалбимни қийнаса юраги хунлар,
Виждонга суюнаман...

Гар топсам, йўқотиб қўйган ўзимни,
Қалбимга нур келиб, очсам кўзимни.
Шунда мен қиблага буриб юзимни,
Имонга суюнаман...

* * *

Хам сунт каби кўкиш
Тонг инжусин кўрдим.
Тароқ ясаб сабодан,
Сочимни ўрдим.
Кипригимга осилиб маъсум таёллар,

Мени ўйламоққа
Мажбур этдилар.
Сиз билган юраклар
Кетган тилиниб,
Ундайди хаёллар
Куйламоқликка.
Кўнгил тилсимидан
Сирлар ўтдилар.
Қалбни ҳаста этган,
Қандайин афсун.
Хаёлим эгаллаб,
Олгансан бутун.
Борлигим боғичи-
Бу қандай туйғу?
Бу чинакам ишқдир,
Мусаффо кулгу.
Хаёллар-бир шамдир...
Нафасинг Ҳур ел.
Сен хаёлни нафасинг
Бирла ўчирдинг.
Нечун?
Нечун?
Мужгонларинг намдир,
Қароингда сел.
Сени маъсум кўзинг ва ширин сўзинг,
Мангуға хаёлим оларди.
Бироқ...

Ҳиёнат ханжарин
Санчдинг қалбимга.
Изтиробни барин
Сочдинг бағримга.
Энди ҳаёлларим саргардон этма.
Кетақол...
Кетақол...
Ишқингни пинҳона этиб.
Яна нега?
Кўнгил гулшан боғини
Топтаб ўтдинг.
Айтдим-ку ахир,
Кетсангчи...
Кетақол...
Кетақол...
-Йўқол,-дейишимни қутмагин алҳол.
Ёки қутасанми?
Йўқол!!!
Ҳаёлларни саргардон этган.
Муз каби ҳижронлар
Ёнимдан кетгин,
Кет...
Нафратимдан сира қўрқмайсанми айт.
Яхшиси кетақол,
Тез орқангга қайт.
Шу замон ҳайратда тикилдинг менга.
Э воҳ..

Бунчалар ҳам нигоҳинг ўтқир,
Исёнкор қалбимга
Наштардай ботар.
Нигоҳингга бардош
Беролмайди дил,
Ёки, бу сехрдан дарё бўлса сел.
Ёки, тирқираган ҳисларим қуюн,
Ногоҳ олов дилда
Бурқсийди тутун.
Ёки, тоғлар синди,
Дарёлар тошди.
Юрагимнинг оби кўздаги ёшдир.
Кўкимтир тонг узра малла сочпопук
Тақиб чиққан
Тилло кокил қуёшми?
Энди сенга бу кун
Жилва сувидек,
Қошингга ошиқар
Бу ҳаста юрак.
Ногоҳ олов олса,

*Дилда хиёнат
Гуллаган севгидан
Кул қолар фақат.
Энди биз учрашсак,
Бевафо эркам,
Куйимиз,
Ўйимиз,
Қалбимиз кўркам.
Сен бахтли бўлақол,
Мен бўлай сирдош.
Ҳиёнат, жафога
Қўйиб қабртош.*



ВАТАН

*Таърифингга тополмайин сўз,
Мен шунчалар бўлибман ожиз.
Эркаланиб қучоқларингда,
Ултирибман бугунча ёлғиз.*

*Тупрогингдан олиб бир сажим,
Кўзга суртдим, қилдим тўтиё.
Қайноқ қуёш тафтидай дилим,
Торларидан таралар садо.*

*Бу шунчаки бир ҳою-ҳавасмас,
Ватан тупрогингда мангу қолсам бас.
Сенсан жаҳониму у дунёйим ўзинг,
Замин сен Ватансан, қиламан ҳавас.*



БЕДОРЛИК

*Дўстингман деганинг сирини бўлса фош,
Ҳаёт йўлларида ёв бўлса йўлдош.
Севгининг ўтида топмасам бардош,
Жисм ичра жоним қушдек яшайман.*

*Байларнинг бойлиги бўлса бефойда,
Камбогал хўрланса, ҳар дам, ҳар жойда.
Лек инсоф бўлмаса ҳаттоки ойда,
Мискин кўзлардаги ёшдек яшайман.*

*Дил боғида меҳр куртак очмаса,
Қалбимни тирнаган ҳислар қочмаса.
Чин сеवги қуёши нурин сочмаса,
Жондан жудо бўлиб тошдек яшайман.*



АЛАМ ҚИЛСИН

*Изтиробда тўйганлигинг алам қилсин,
Бевафони сўйганлигинг алам қилсин.
Ўзга ишқни оташига кириб қояиб,
Ҳижронида кўйганлигинг алам қилсин.*

*Бағритошим вафоларни билармидинг,
Дил яроси-жафоларни билармидинг.
Бахт яратган дунёларни билармидинг,
Ишқи бутун қалблар сенга алам қилсин.*

*Рашк аурурга мангу йўлдош ўртоқмидинг?
Айтчи мени юрагимдан йироқмидинг?
Ҳиёнатнинг йўлларида чироқмидинг?
Садоқатнинг сўқмоқлари алам қилсин.*

*Боқсанг эди кўнглимнинг гул боғларига,
Назар ташла, дилнинг хушнуд чоғларига.
Бўйлашолмай бахтнинг юксак тоғларига,
Ишқдан қолган қора доғлар алам қилсин.*



НАВРҮЗ

Дунёнинг энг бахтиёр, чарогон рўзи Наврўз,
Ҳаёт меҳмонхонасин битмас ризқ-рўзи Наврўз.
Аёзда бу оқдуннинг кўнглин чулғамиш ялдо,
Ялдо тун соя солган дилнинг кўндузи Наврўз.

Навбахор кенг оламга чечак тақмиш оҳиста,
Оҳиста чечакларнинг нозик илдизи Наврўз.
Мунглиг қабрлар аро қабр тошин кўзга тган,
Алван рангин улашган, лоланинг қизи Наврўз.

Жилгага маъюсгину нигоҳ қадаб яшаган,
Ул Муҳаммад Юсуфнинг суйган ялпизи Наврўз.
Буғун озод юртимда улуг байрам, тантана,
Бундай тантаналарнинг бўлсин азизи Наврўз!

МЕН

Дунёнинг кўзлари кўр экан,
Нафсига ёндошган қул экан.
Аччиқ ёш эмган боғ чўл экан,
Висолнинг уйидан йироқман.

Задаман қоронғу осмондан,
Тилайман зиёни чўлпондан.
Умидни тополмай армондан,
Муҳаббат куйида фироқман.

Оташман оламини куйдирган,
Ўзингни ўзимга суйдирган.
Согинчага дил жомин тўлдирган,
Ҳаяжон уйғотган титроқман.

Кўнғилдир, кўз ёшга чўмилган,
Энг олпоқ орзуга кўмилган.
Япроқман заминга тўкилган,
Пойинга ястанган тупроқман.

Дунёнинг кўзлари кўр экан,
Телбавор туйгулар айр экан,
Тақдирнинг манглайи шўр экан,
Маъсума дилларга чироқман.

* * *

Юрагимга қаср қурдим,
Хўп ажиб қаср.
Унда мен малика бўлиб яшайман.
Кўнгил кишварида ҳилол атама.
Ўхшасам қуёшга ўхшайман.
«Гадо» деб санама ўзингни,
Ғурурлансанг сендан қайтаман.
Агар севсанг мени жонингдан,
Шаҳзодам-сен дея айтаман.
Биримиз шох,
Биримиз малак,
Қалб уйини этайлик обод.
Висол отлиг бу кошонами,
Соғинч бирла қилмайлик барбод.



ДУНЁ

Бахтимни ол.
Дардингни бергин,
Дилга чандон гардингни бергин.
Ғазал, достон энди на тожот,
Бир нажотбахш фардингни бергин.
Сўзим бўлса ногоҳ пайдар пай,
«Сархуш бўлган у майхўр», дегин.
Ёки борлигингни сезмасам,
Юраги тош, кўзи кўр дегин.
Англамагин мени бир лаҳза,
Гулоб ичсам дил чорбогида.
Изламагин мени эй толе,
Доғлар тўлган кўнгили богида.
Кўнгили-сирли сандик.
Асрорлар кўп,
Дардлар бисёр.
Ва уларни тўкмоқчиман.
Эргашмасин улар ортимдан.
Тутолмасин кўлларимдан у.
Сўнги манзилимда тинч яшай,
Ўртамасин жонни қайғу.
Етар...
Этагимни қўйвор эй нажот,
Узоқликни сўрама умрим.
Бахт боғига бошлама шеърим,
Мен сен каби эмасман мангу,
Дунё-осли ўтқинчи туйғу.

ИЗН БЕРАРМИКАН НАВОИЙ

*Мажнундек сахрони кўргим келяпти,
Ул шўҳи Лайлони кўргим келяпти,
Сўнг икки дунёни кўргим келяпти,
Изн берасизми Ҳазрат Навоий.*

*Ёшларим тўкилур азим тошларга,
Тош-ёмаир тушажак дарднок бошларга,
Қарасам қаро кўз камон қошларга,
Изн берасизми Ҳазрат Навоий.*

*Булбулга кўнглимни берсайдим, кошки,
Навога ўйимни берсайдим, кошки,
Тақдирга ўйимни берсайдим, кошки
Изн берасизми Ҳазрат Навоий.*

*«Ҳамса» беш миллион бахтимдир маним,
Илоҳий муҳаббат тахтимдир маним,
Висолга етишмоқ аҳдимдир маним,
Изн берасизми Ҳазрат Навоий.*

*Мажнундек сахрони кўргим келяпти,
Оловранг ҳинони кўргим келяпти,
Беҳишту бақони кўргим келяпти,
Изн берасизми Ҳазрат Навоий.*

ЎН САККИЗ ЁШИМДА

Гоҳида ер, гоҳо магрур фалакман,
Ким учун армонман кимга тилакман.
Ҳалиям бебошман дили мургакман,
Нечун қўлларингдан тутолмай қолдим?
Ўн саккиз ёшим...

Ялпизлар ялинчоқ дугонам эди,
Қўйнимда қўғирчоқ дугонам эди.
Орзу энг кадрдон ҳамхонам эди,
Наҳот, қўлларингдан тутолмай қолдим?
Ўн саккиз ёшим...

Ўйнардим кўчада чангитиб тупроқ,
Тирсагимда ямоқ, тиззамда ямоқ.
Менинг дунёимда бўлиб қалди роқ,
Афсус, қўлларингдан тутолмай қолдим?
Ўн саккиз ёшим...

Шивирлайди кимдир:
«Бас қил нолишни»,
Бу умр дарёси қўймас оқишни.
Барибир кўнгилинг экан хоҳиши,
Дедим, қўлларингдан тутолмай қолдим?
Ўн саккиз ёшим...

ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ

*Мардлар ичра зўрисиз,
Қалбимизнинг қўрисиз.
Кўзимизнинг нурисиз,
Жасур ўзбек ўғлони.*

*Эл тинчлигин йўлаган,
Шаҳдам юриб куйлаган.
Садоқатдан сўйлаган,
Жасур ўзбек ўғлони*

*Хур диёрнинг жонисиз,
Томирдаги қонисиз.
Ўзбегимнинг шонисиз,
Жасур ўзбек ўғлони.*

*Халқ сиз билан бахтиёр,
Темур руҳин айланг ёр.
Сиз борсизки, душман хор,
Жасур ўзбек ўғлони.*

*Аямасдан ёмонни,
Юрт учун бериб жонни.
Дилда асрар имонни,
Жасур ўзбек ўғлони.*

МУНДАРИЖА

Хавасдан йироқ севгим	3
Қачонлардир сени қилардим орзу	3
Муҳаббатга ошуфта	4
Раҳбар аёл	5
Ҳаёт экан	5
Қабристонда	6
... га	7
Галиринг	8
Оғриқ	9
Ота	9
Икки ёшли гиёҳванд одам	10
Отажон	11
Тупроқ	12
Келоласизми	12
Мен жуда ёнаман	14
Онамга	15
Суянаман	16
Хом сут каби	16
Ватан	21
Бедорлик	22
Алам қилсин	23
Наврӯз	24
Мен	25
Юрагимга қаср қурдим	26
Дунё	27
Изн берармикан Навоий	28
Ўн саккиз ёшимда	29
Ўзбек ўғлони	30

Адабий-бадий нашр

Хуршида Нишонова

СИРЛИ БЕДОРЛИК

Шеърлар

Муҳаррир: **Жамолиддин МУСЛИМ**
Тех. муҳаррир: **Ғ. МУЛЛАБОЕВ**
Мусаҳҳиҳ: **С. ХОЖАЕВ**
Компютер
оператори: **Қ. ТОШХОЖАЕВ**

Теришга 14.05.2007 йилда берилди.
Босишга 21.05.2007 йилда рухсат этилди.
Газета қоғозига офсет усулида чоп этилди.
Бичими 60x84 1/32. Ҳажми 1,0 босма табоқ.
Адади 500 нусха. Буюртма № 304. Баҳоси
келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри,
А. Навоий кўчаси, 36-уй, 3-қават.

«Чуст босмаҳонаси» МЧЖ, Чуст шаҳри,
Сўфизода кўчаси, 8-уй.